



ДЕКРИМИНАЛИЗАЦИЯ – ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ БИР КЎРИНИШИ СИФАТИДА

Шодмонов Саркор Миржаҳонович

Судьялар олий мактабининг тингловчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10215628>

ARTICLE INFO

Received: 22th November 2023

Accepted: 28th November 2023

Online: 29th November 2023

KEY WORDS

Декриминализация,
маъмурий жавобгарлик,
жиноят қонунчилиги,
криминализация, жиноий
жавобгарлик, либерализация,
глобализация.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига бугунги кун шароитида ўз долзарблигини йўқотган айрим нормаларни жиноят қонунчилиги доирасидан декриминализация қилиш масалалари атрофлича муҳокама қилиниб, уларни декриминализация қилиш таклифи илграри сурилган. Шунингдек, муаллиф ушбу нормаларни маъмурий жавобгарлик доирасида қўллаш лозимлигини ривожланган мамлакатлар тажрибасида қиёсий ҳуқуқий таҳлил қилган.

КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида кенг қамровли ислохотлар амалга оширила бошлади. Ҳуқуқий демократик ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлаган мамлакатимизда қонун устуворлигига эришиш учун суд-ҳуқуқ тизимида ҳам ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш кўзда тутилган. Зеро, жамиятимизнинг бош мақсади Конституция ва қонунларимизда эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, айрим ҳолларда уларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Мазкур мақсадга эришиш жиноят ҳуқуқи вазифаси сифатида Жиноят қонунимизда ҳам белгилаб қўйилган. Жиноят ҳуқуқининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига аниқ белгиланган бўлиб, кодекснинг 2-моддасига кўра, жиноят ҳуқуқининг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузларидан қўриқлаш, шунингдек жиноятларни олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир. Ана шу вазифаларни амалга ошириш учун кодекс жавобгарлик асослари ва принципларини, қандай ижтимоий хавфли қилмиш жиноят эканлигини аниқлайди, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайди. Бизга ҳуқуқ назариясидан маълумки, ҳар бир ҳуқуқ соҳаси ўз олдига қўйган вазифаларни маълум бир ўзига хос функциялар орқали амалга оширади.



Жиноят кодексининг вазифаларига ҳуқуқий тушунча берилганда эса, жиноят ҳуқуқининг бош вазифаси ижтимоий муносабатларни қўриқлашдан иборатдир. Шунингдек, жиноят ҳуқуқи бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Буларнинг энг муҳими: жиноятчиликнинг олдини олишдир. Жиноятчиликнинг олдини олиш вазифаси ўз навбатида иккига бўлинади: умумий ҳамда махсус. Жиноятчиликнинг умумий олдини олиш вазифаси жиноят қонунинг беқарор одамларни турли жиноятлар содир этишдан ушлаб турувчи, таъқиқловчи функцияси, шунингдек жиноят содир этган шахслар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини белгилаш орқали амалга оширилади.

Жиноятчиликнинг махсус олдини олиш вазифаси эса жиноят ҳуқуқий таъқиқлашларни бузиб жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жиноят – ҳуқуқий таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Жиноят ҳуқуқи тарбиялаш вазифасини ҳам бажаради. Яъни жиноят қонунинг мавжудлиги, унинг амалда қўлланилиши фуқароларга қонунни ҳурмат қилиш, ўз шахси, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг химоя қилинганлигига ҳамда жиноят содир қилган шахсларнинг муқаррар равишда жазоланишига ишонч руҳида тарбиялашдан ҳам иборатдир.

Жиноят ҳуқуқининг вазифалари давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсати орқали амалга оширилади. Унинг асосий мазмуни жиноят қонуни амалда қўлланилишининг тактикаси ва стратегиясини белгилаш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олишнинг ижтимоий-ҳуқуқий чораларини ишлаб чиқиш ва амалда қўлланишида ифодаланади. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсатнинг асосий қонун талабларига тўла ва сўзсиз риоя қилиш, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципига асосланган ҳолда амалга оширилиши керак.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсати жиноий жазоларни либераллаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Жиноий жазоларни либераллаштиришнинг моҳияти шундаки, мамлакатимизда охирги ўн йил мобайнида, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий жабҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида ижобий ўзгаришлар, силжишлар юз бера бошлади. Бу эса жамият ва давлат қурилишида тоталитар тузумдан қолган асоратлар, арзимаган жиноий қилмиш учун қаттиқ жазолаш каби нотўғри амалиётга чек қўйиш заруратини юзага келтирди.

Айтиш мумкинки, 2001 йилда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, шу жумладан, жиноят қонунининг такомиллашуви, давлатнинг жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятининг ривожини учун туб ўзгаришлар ясалган давр бўлди.

Энг аҳамиятлиси, 2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига



ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди¹.

Олий Мажлис сессиясида Биринчи Президент И.А.Каримов ўзининг “Адолат – қонун устуворлигида” номли дастурий маърузасида ушбу қонуннинг жамиятимиз тараққиётидаги аҳамияти ҳақида сўзлаб, бундан кейинги жиноят қонунчилиги ривожланишидаги ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятидаги асосий вазифаларни белгилаб берди².

Биринчи навбатда, ривожланган демократик мамлакатларда қўлланиб келинаётган тамойиллар ва талабларга жавоб берадиган мезонлар асосида ҳуқуқбузарлик ва жазо тизимини қайта кўриб чиқишимиз зарурлиги асослаб берилди³.

Ушбу вазифани бажариш жараёнида асосий эътибор иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган нормаларга қаратилди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинмиши натижасида жиноий қилмишларни декриминализация қилиш борасида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди.

Мазкур қонуннинг моҳияти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, унда авваламбор шахсни жазолаш эмас, балки тарбиялаш назарда тутилади. Бу қонун халқаро ҳуқуқ нормаларига мослиги билан ҳам аҳамиятлидир⁴.

Ушбу қонунга биноан 110 турдаги унча оғир бўлмаган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар сони 196 тага етди. Бу Жиноят кодексига мавжуд бўлган жами 460 та жиноят таркибининг 42,8 фоизини ташкил этди.

Жиноий жазолар либераллаштирилгандан сўнг ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига қуйидаги уч туркумга кирувчи қилмишлар киритилди:

1) жиноят қонунда озодликдан маҳрум қилишдан кўра енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар;

2) қасддан содир қилганлиги учун қонунда уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар;

3) эҳтиётсизликдан қилинган жиноят учун қонунда беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар доирасининг кенгайтирилиши муносабати билан жиноий жавобгарликдан ва жиноий жазодан озод қилиниши мумкин бўлган шахслар доираси ҳам анча кенгайди.

Либераллаштириш муносабати билан ўн икки турдаги жиноятлар оғир тоифадан унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига, етти турдаги ўта оғир жиноятлар эса оғир тоифадаги жиноятлар туркумига ўтказилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2001 йил. №9-10. 165-модда.

² Каримов И.А. Адолат - қонун устуворлигида. // Халқ сўзи газетаси, 2001 йил 30 август.

³ Каримов И.А. Адолат - қонун устуворлигида. // Халқ сўзи газетаси, 2001 йил 30 август.

⁴ Рустамбоев М.Ҳ. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси “Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонунига шарҳлар. – Тошкент, 2001. –Б.6.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги унча оғир бўлмаган жиноятлар доираси қатъий қилиб белгилаб қўйилди. Қонунга ўзгартиришлар киритилгандан сўнг қасддан содир этилиб, жиноят қонунида уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган, бундан ташқари эҳтиётсизлик орқасида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган ижтимоий хавfli қилмишлар унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киритилди.

Қилмишни унча оғир бўлмаган жиноят деб ҳисоблаш учун, содир этилган ижтимоий хавfli катта бўлмаган жиноятлар туркуми доирасида бўлса, суд томонидан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддатининг аҳамияти йўқ. Икки ёки ундан ортиқ унча оғир бўлмаган қасддан қилинган жиноятлар учун ҳукм қилиниб, тайинланган жазо муддати беш йилдан ошиб кетган тақдирда ҳам айбдорга нисбатан унча оғир бўлмаган жиноят содир қилганлик учун қўлланиладиган барча қоидалар тадбиқ этилади⁵.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатини бузишга оид 182-моддасига, солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бош тортиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган 184-моддасига ўзгартириш киритилиб, маъмурий преюдиция ўрнатилди. Энди мазкур ҳаракатларни оғирлаштирувчи ҳолатларсиз биринчи марта содир этган шахсларни тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликка тортиб бўлмайди.

Юқоридагилардан ташқари, ЖКнинг 167, 168, 170, 175, 184, 202-моддаларига жиноят оқибатида етказилган зарарлар тегишли тартибда айбдор томонидан қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо тури қўлланилмаслиги ҳақидаги қоида киритилди. Ушбу қоида ўзининг қуйидаги ижобий хусусиятларига эга:

а) жиноят қонуни Махсус қисми моддаларига илк маротаба жабрланувчига жиноят оқибатида етказилган зарарни ўз вақтида қопланишини таъминлашга қаратилган қоида киритилди;

б) айбдор шахс озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога тортилмаслик мақсадида содир этган жиноятининг оқибатларини ихтиёрий равишда бартараф этишга ҳаракат қилади ва бу ҳолат унинг тўғри хулоса чиқариб олиши учун яхшигина имконият яратади;

в) рецидив жиноятларнинг олдини олишга ҳам самарали таъсир этади;

г) жиноятчиликнинг умумий профилактикасида ҳам шу турдаги жиноятни содир этишга мойил шахслар учун ижобий огоҳлантирувчи вазифасини бажаради;

д) етказилган зарарни қоплашга қаратилган фуқаролик даъвоси берилиши ва суд томонидан кўрилиши учун, ижро ҳаракатлари учун қилинадиган қўшимча ҳаражатларнинг олди олинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2001 йил 2 ноябрда қабул қилинган “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон

⁵ Рустамбоев М.Ҳ. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси “Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонунига шарҳлар. – Тошкент, 2001. –Б.9.



Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини суд амалиётида қўллаш тўғрисидаги 25-сонли қарорининг 8-бандига асосан Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаларида белгиланган жиноят оқибатида етказилган зарарнинг ўрни қопланган тақдирда айбдорга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги ҳақидаги қоида, агар етказилган моддий зарар ҳукм чиқарилгандан сўнг қопланган бўлса ҳам қўланилади. Яъни, жиноят иши тегишли суд инстанцияси томонидан кўрилиб, маҳкумга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо турига ўзгартирилади⁶.

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг раҳбарий тушунтиришларига қарамасдан қуйи судлар айрим ҳолларда мазкур қонунни қўллашда хатога йўл қўймоқда ёки уни қўллашга етарлича эътибор бермаяпти. Масалан, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг ҳукми билан Х. Жиноят кодекси 168-моддасининг 4-қисми “в” бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбланиб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Маҳкум Х. жазони ўтаётган муассаса томонидан жиноят ишлари бўйича Поп туман судига 2001 йил 29 августдаги “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунига асосан тақдимнома киритилган. Суд эса ўз ажрими билан Х.нинг ҳаракатларини Жиноят кодекси 168-моддаси 4-қисми “в” бандидан, 168-модданинг 3-қисми “в” бандига қайта квалификация қилиб, тайинланган жазони ўзгартиришсиз қолдириб, жазони умумий тартибли колонияда ўташни белгилаган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди судлов ҳайъатининг ажримига асосан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси 8 йил муддатга келтирилган. ЖКнинг 168-моддасида шахс етказилган зарарнинг ўрнини қоплаган тақдирда унга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги кўрсатилган. Жиноят иши материалларидан кўринишича, айбдор томонидан жабрланувчиларга етказилган зарар тўлалигича қопланган. Шунинг учун вилоят суди раёсатининг қарори билан Х.га ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в” бандига асосан тайинланган 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан алмаштирилиб, у жазони ўтаган деб ҳисобланган ва дарҳол озод қилинган⁷.

Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан қабул қилинган қонунга кўра ЖКнинг терроризм учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган 155-моддаси қуйидаги рағбатлантирувчи норма – тўртинчи қисм билан тўлдирилди: “Терроризмни тайёрлашда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол қўмаклашган

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 2001 йил 2 ноябрдаги Пленуми қарори. – Тошкент, 2001. - Б.13-14.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси. 2002, №1-4. - Б.51-52.



бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса жиноий жавобгарликдан озод этилади”.

Қайд этилганлардан ташқари, жиноят қонунига илк маротаба ярашув институти киритилганлиги (ЖКнинг 66¹-моддаси) ва унинг 26 турдаги жиноятларга нисбатан тадбиқ этилаётганлиги ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Мазкур ярашув институти ривожланган хорижий давлатлар суд-тергов амалиётида самарали қўлланилмоқда. Масалан, Америка Юристар Уюшмасининг маълумот беришича, АҚШ давлатида содир этилган жиноятлар юзасидан суд-тергов ишларининг қарийб 90 % мана шу жараён билан якунланади. Албатта, ярашув институти жиноий қилмишларни декриминализация қилишнинг таркибига кирмаса-да, лекин депенализациянинг бир кўриниши сифатида келажакда декриминализацияни амалга ошириш учун муҳим шароит яратади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун тўртта шартнинг мавжудлиги талаб қилинади. Улар қуйидагилардир:

- 1) шахснинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66¹-моддасида санаб ўтилган жиноят турини биринчи марта содир этганлиги;
- 2) жиноят содир қилган шахснинг ўз айбига иқрорлиги;
- 3) жабрланувчи билан ярашганлиги;
- 4) етказилган зарарнинг қопланганлиги.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2001 йил 2 ноябрдаги 25-сонли “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини суд амалиётида қўллаш ҳақидаги қарори 6-банди 2-қисмида келтирилган тушунтириш бўйича етказилган зарар қопланмаган бўлса-да, жабрланувчининг зарарни қоплаш талабларидан воз кечганлиги ҳам Жиноят кодексининг 66¹-моддасини қўллашга асос бўлишини эътиборда тутиш лозим.

Шуни эътиборга олиш лозимки, агар шахс бир нечта жиноят содир этган бўлиб, улардан бири Жиноят кодексининг 66¹-моддасида кўрсатилган бўлса, ишнинг шу қисмига нисбатан ярашув институтини қўллаш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрда қабул қилган “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли қарорининг 11-бандига мувофиқ Жиноят кодексининг 66¹-моддаси такрорийлик белгисини берадиган жиноятларга нисбатан тадбиқ этилмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг мазкур тушунтиришидан шу нарсани англаш мумкинки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади ва уларга ярашув қўлланилмайди.

Албатта, ярашув институти жиноят қонунчилигига янгилик сифатида энди киритилди ва унда айрим камчиликлар мавжуд бўлиши табиий ҳолдир. Ўйлаймизки, ушбу камчиликлар хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолатда ва ярашувнинг амалиётда қўлланишини тадқиқ этган ҳолда бартараф этилади.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ярашув институтини киритилиши ўзининг қуйидаги ижобий хусусиятларига эга:

а) ярашув институти ўзида кўпроқ эркин демократик жамият белгиларини мужассам этади;

б) содир этилган жиноятнинг тезроқ фош этилиши ва ижтимоий хавfli оқибатларининг бартараф этилишида айбланувчи шахснинг фаоллигини оширади. Бу эса унинг хулқига ижобий, тарбиявий таъсир этиб, келажакда янги жиноятлар содир этишининг олдини олади;

в) жиноятнинг тезда фош этилиб, етказилган зарарнинг ўз вақтида қопланиши фуқароларда қонун устуворлиги ва қонуннинг кучига нисбатан ишончини янада мустахкамлайди;

г) жиноят ишларини юритиш жараёнига ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоатчиликнинг иштирок этишини таъминлаб, уларнинг жиноятчилик олдини олишдаги ролини оширади.

Жиноят қонунини такомиллаштириш жараёнида бундан кейинги асосий вазифалардан бири ярашув институтини ривожлантириш, унинг қўлланиш доирасини кенгайтириб бориш лозим.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши билан амалга оширилган янгиликлардан яна бири жиноят қонунига ўн саккиз ёшга тўлмасдан ижтимоий хавfli катта бўлмаган жиноят содир қилган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслиги ҳақидаги қонуннинг киритилиши ҳисобланади.

Вояга етмаган шахс ижтимоий хавfli катта бўлмаган жиноятларни содир этган бўлса, унинг қилмиши жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиниб, ҳар иккала жинояти учун қатъий жазо тайинланган тақдирда, суд томонидан тайинланган жазо муддати уч йилдан ошганда ҳам уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайди⁸.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан қонун қабул қилингандан кейинги биргина тўққиз ойлик давр мобайнида ҳаракатда бўлган ва тўхтатилган жами 4050 та жиноят иши юзасидан 3194 нафар шахснинг жиноий ҳаракатлари қайта квалификация қилиниб, қонунга мувофиқлаштирилган, 256 нафар шахс эса жазодан озод қилинган, қилмиши жиноят деб топилмаганлиги сабабли 334 нафар шахсга ҳамда қонунга мувофиқлаштирилгандан сўнг амнис-тия акти тадбиқ қилиниб, 251 нафар шахсга нисбатан 928 та жиноят иши тугатилган. Шунингдек, 737 та жиноят иши бўйича 991 нафар судланувчи томонидан етказилган 839 миллион 441 минг сўмлик зарар қопланганлиги сабабли озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар қўлланилган. Ярашилганлиги муносабати билан тергов органлари томонидан судларга юборилган 1629 та ҳамда қонун қабул қилингунига қадар судлар ихтиёрида бўлган 435 та жиноят иши тугатилиб, айбланувчилар жавобгарликдан озод қилинган⁹.

⁸ Рўстамбоев М.Ҳ. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси “Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўррисида”ги Қонунига шарҳлар. – Тошкент, 2001. –Б.22.

⁹ Холмахматов А. Эркинлиштириш: муҳим қадамлар. // Қонун ҳимоясида, 2002, №-6. – Б.5.



Жиноий жазолар либераллаштирилгандан сўнг дастлабки тергов даврида қамоққа олинмаган ҳамда кейинчалик судлар томонидан озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинмаган 60 мингдан зиёд шахнинг ўз оиласи бағрида қолдирилиши, ҳалол меҳнат қилиб яшаш ва қинғир ишлардан йироқ бўлишларига имконият яратиб берилиши натижасида уларнинг атиги 13 нафари қайта жиноят содир қилган холос¹⁰.

Республика Бош Прокуратураси томонидан келтирилган ушбу рақамлар юқорида номи зикр этилган қонуннинг қанчалик кенг кўламда ва самарали қўлланилганлигини англатиб турибди. Шунингдек, қонуннинг ўз вақтида қабул қилинганидан ҳам дарак беради. Жиноий жазоларни либераллаштириш ғояси ва у билан боғлиқ равишда қонунларга киритилган ўзгартиришлар давр талаби ҳамда инсонпарварлик намунаси эканлигини ҳаётнинг ўзи ўтган қисқа вақт мобай-нидаги ижобий натижалари орқали кўрсатиб берди¹¹. Умид қиламизки, мазкур декриминализация жараёнлари бундан кейин ҳам фаол давом эттирилади. Бу айни пайтда жиноий жавобгарлик масалаларини мувофиқлаштириш билан бирга енгил турдаги қилмишларни содир қилган ҳар бир шахсга “жиноятчи” тамғаси босавермасдан иқтисодий характердаги санкцияларни кенг кўламда қўллашга йўл очиб бериши лозим¹².

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагиларни хулоса ўрнида алоҳида қайд этиш лозим деб ўйлаймиз, демак,

декриминализация - бу жиноят қонунида белгиланган ижтимоий хавфли қилмишни ундан чиқариб ташлаш (бир модда ёки модданинг бирор қисми) ёки мазкур қилмиш учун назарда тутилган нормани қисман ўзгартириш (қилмишни маъмурий преюдиция шаклига келтириш, формал таркибли жиноятларни моддий таркибга ўтказиш ёхуд жиноятнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини ўзгартириш) ҳисобланади. Яъни, бир сўз билан айтганда ўз моҳиятига кўра қилмишни декриминализация қилиш амалдаги жиноят қонуни нормаларининг самарадорлигини (умуман бугунги кундаги ҳолатини) ўрганиш ва ижтимоий хавфлилиги мавжуд бўлмаган, жиноят-ҳуқуқий воситалар билан кураш олиб бориш самарасиз, ва мақсадга мувофиқ бўлмаган қилмишларни жиноят-ҳуқуқий нормалар орасидан излаб топиш ва уларни мазкур қонун нормалари қаторидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ жараён сифатида тавсифланади.

Декриминализациянинг натижаси деб эса, декриминализация қилинган қилмиш учун жиноий жавобгарликни бекор қилиниши тушунилади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсати жиноий жазоларни либераллаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Жиноий жазоларни либераллаштиришнинг моҳияти шундаки, мамлакатимизда охирги ўн йил мобайнида, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий жабҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида ижобий ўзгаришлар, силжишлар юз бера бошлади. Бу эса жамият ва давлат қурилишида тоталитар тузумдан қолган асоратлар,

¹⁰ Қодиров Р.Х. Адолат ва қонунийлик йўлида. // Қонун ҳимоясида, 2003, №-8. –Б.5.

¹¹ Ўша ерда, Б.6.

¹² Рустамбаев М.Ҳ. Гуманизм закондательства. // Народное слово, 2003 г. 1 апрель.



арзмаган жиноий қилмиш учун қаттиқ жазолаш каби нотўғри амалиётга чек қўйиш заруратини юзага келтирди.

Қилмишни декриминализация қилиш амалдаги жиноят қонуни нормаларининг самарадорлигини (умуман бугунги кундаги ҳолатини) ўрганиш ва ижтимоий хавфлилиги мавжуд бўлмаган, жиноят-ҳуқуқий воситалар билан кураш олиб бориш самарасиз ҳамда мақсадга мувофиқ бўлмаган қилмишларни жиноий нормалар орасидан излаб топиш ва уларни мазкур қонун нормалари қаторидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ жараён сифатида тавсифланади. Декриминализациянинг натижаси деб эса, декриминализация қилинган қилмиш учун жиноий жавобгарликни бекор қилиш тушунилади.

References:

1. Шавкат Миромонович Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари. /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: : “Ўзбекистон”, 2017. – 488.
2. Шавкат Миромонович Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.–Т.: Ўзбекистон, 2023. –72 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами Кенгашининг Ахборотномаси, 2023 й., 4-сон.
5. Анденес И. Наказания и предупреждения преступлений. / Перевод с англ. языка под ред. Б.С. Никифорова./ Москва, 1979.
6. Абдуқодиров Ш.Ё. Мирзаев У.М. Ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш: Жиноят кодекси Махсус қисми Х бобига шарҳлар. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф.Қ.Абдурасулова. – Т.:ТДЮУ, 2013 – Б. 4.